



№66-67
2019-йил, 20-avgust
Seshanba (32.557)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston O'VOZI

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
«Тошкент давлат аграр
университети фаолиятини
янада такомиллаштириши
чора-тадбирлари тўғрисида»
ги қарорини газетамиз
сайтида ўқишингиз мумкин.



ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти

Бу кўҳна дунё кўп давлат раҳбарларини кўрган. Улардан камдан-камларининг номи тарихда қолган. Ўз халқи меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб, миллат хотирасида абадий яшаб қолганлари эса янада кам, санокли. Ўз Ватани тарихини, миллати тақдирини ўзгартириб юборган буюк давлат арбобларигина бундай юксак шарафга муяссар бўлишган.

Ўзбек халқининг асрий орзусини рўёбга чиқарган, мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистоннинг Биринчи Президентини Ислон Каримов ана шундай буюк давлат ва сиёсат арбоби эди.

Бугун мамлакатимиз Мустақиллигининг 28 йиллик улуғ ва азиз байрами арафасида Биринчи Президентимиз номига қайта-қайта ёдга олишимиз, халқимиз, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиқни мустақамлаш йўлидаги заҳматли меҳнатлари, беқиёс хизматларини эътироф этишимиз табиий.

Давоми 3-бетда.

Сиёсий жараён фаолликни оширишни талаб этади

Нукус шаҳрида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда жорий йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар ўтиши муносабати билан партия ташкилотлари зиммасидаги ташкилий ва сиёсий вазифалар, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Шунингдек, партиянинг янгидан тайёрланаётган Дастури ва Сайловолди дастури лойиҳалари кенг муҳокама этилиб, партия фаоллари, депутатлар томонидан таклифлар билдирилди.

— Партиянинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш юзасидан партия депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 286 масала партия гуруҳларида кўриб чиқилди, 284 масала доимий комиссияда, 186 таси эса сессияда муҳокама қилинди, — деди Қорақалпоғистон Республика партия кенгаши раиси Халилла Ешимбетов. — Шунингдек, ўтган 5 йил давомида халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари томонидан ижро ҳокимияти органлари ва мутасадди ташкилотларга 1248 та депутатлик сўровлари юборилди. Жамоатчилик қабулхоналарига 2236 нафар фуқародан мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 1933 таси, яъни 86 фоизи ижобий ҳал этилган. Қолган мурожаатлар ижроси назоратга олинган.

Давоми 2-бетда.



ЎЗБЕКИСТОН «АРМИ-2019» ХАЛҚАРО АРМИЯ ЎЙИНЛАРИДА

Ватанимиз ҳарбийлари юксак маҳорат намоиши этишиди

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ҳарбий ислохотлар натижасида қисқа даврда Куролли Кучларимизнинг жанговар шайлиги, халқаро майдондаги нуфузи сезиларли даражада ортди.

Бундан жорий йилнинг 3 августидан 17 августигача давом этган «АРМИ-2019» халқаро армия ўйинлари натижалари ҳам яқол тасдиқлади. Дунёнинг 39 давлатининг 200 дан ортиқ жамоаси қаторида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари мусобақаларнинг 14 йўналишида иштирок этди. Беларусда «Мерганлик марраси», Хитойда «Қўролос уста» ва «Мусаффо осмон», Қўзғистонда «Артиллерия устаси», Эронда «Йўл патрули», Ҳиндистонда «Кўшин разведкаси аълочилари», Россияда «Танк биатлон», «Эльбурс ҳалқаси», «Содиқ дўст», «Хавсиз маршрут», «Дала ошхонаси», «Ҳарбий ралли», «Рембат», Ўзбекистонда «Ҳарбий тиббий эстафета» мусобақалари бўлиб ўтди.

Утган йили умумжамоа ҳисобида 32 мамлакат ҳарбийлари ўртасида олтинчи ўринни эгаллаган ҳарбийларимиз жорий йил жами 11 йўналишда — 2 та биринчи, 4 та иккинчи, 5 та учинчи ўринни эгаллаб, 5-поғонага кўтарилди.

Марказий ҳарбий округнинг «Фориш» тоғ полигонидан ўтган «Ҳарбий тиббий эс-

тафета» мусобақаси қизгин баҳсларга, вакилларимиз учун унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Ҳурдодларимиз шартлари бажариш жараёнида ўтган йилги рекордларни бир неча бор янгиладилар. Хусусан, тиббий хизмат капитани Бобонон Элмуродов тўсиқлар оша югуришда 2018 йилги Россия рекордини 53 сонияга қисқартириб, маррага 1 дақиқа 50 сонияда етиб келди. Индивидуал маҳорат ва ўқушишда ҳам унга тенг келадигани топилмади. Худди шу мусобақада Шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар Ҳошимбек Мадаминов, Ҳайрулло Олимов, Лилия Манасипова, сержант Ойдин Ойбадллоҳжонев ҳам рекорд ўрнатди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси ошиб бораётганини кундалик ҳаётдан кўриб-билиб турибмиз. Шу маънода айтадиган бўлсак, бугун халқ сиёсий партиядан, депутатдан ҳам кўп нарсга кутади, талаб қилади, ҳисоб сўрайди. Демак, сиёсий партия халқнинг эҳтиёжларини биринчи бўлиб англаши, муаммоларини ўрганиб, самарали ҳал қила олиши зарур. Депутатдан эса чин маънода одамлар дарди билан яшаш талаб этилади.

Давоми 3-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2019 йил 19 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисини жорий йил 23 август кунини Тошкент шаҳрида қаҳриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ялпи мажлис кун тартибига мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш, барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилган.

«Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги, «Хотин-қизларни таътиқлар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги, «Она сuti билан озиклантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озик-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Сенат аъзолари Олий Мажлис бюджетини шакллантириш ва ижро этишининг янги механизмлари жорий этилиши, сайлов, хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги масалаларни ҳам кўриб чиқадилар.

Шунингдек, сенаторлар Халқаро меҳнат ташкилотининг саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли, қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли конвенцияларини ва бошқа халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам муҳокама қилдилар.

Ялпи мажлисда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастурининг 2019 йил иккинчи чорадаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, ички ишлар ва ташқи ишлар вазирлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ахборотлари, шунингдек, Хоразм вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитилди.

Сенат аъзолари бўш турган, қурилиши тугалланмаган объектлардан ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланишга доир қонун ҳужжатлари ижроси ҳолатини ўрганиш натижалари, шунингдек, боддорчилик-узумчилик ширкатлари ҳолати ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровлари юбориш тўғрисидаги масалаларни ҳам муҳокама этади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девонининг йигирма биринчи ялпи мажлиси тайёрларлиқ кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИГА ТАКЛИФЛАР ОЛИНМОҚДА

Шу йилнинг декабрь ойида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Янги ташкилий-ҳуқуқий шароитда ўтказилаётган мазкур сайлов сиёсий партиялар зиммасига ҳар қачонгидан катта масъулият юкламоқда.

2

АНИҚ ВА АМАЛИЙ ИШЛАР билан кўпроқ шугулланмасак, мақсадга эришиб бўлмайди

ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ
КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси ошиб бораётганини кундалик ҳаётдан кўриб-билиб турибмиз. Шу маънода айтадиган бўлсак, бугун халқ сиёсий партиядан, депутатдан ҳам кўп нарсга кутади, талаб қилади, ҳисоб сўрайди. Демак, сиёсий партия халқнинг эҳтиёжларини биринчи бўлиб англаши, муаммоларини ўрганиб, самарали ҳал қила олиши зарур. Депутатдан эса чин маънода одамлар дарди билан яшаш талаб этилади.



Давоми 2-бетда.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, ватан тарихи ва халқ тақдирини ўзгартирган буюк давлат арбоби сифатида халқимиз қалбида, хотирасида абадий яшайди.



Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти

Ислом Каримов оддий Президент эмас эди. У табиатан зийрак, доворак, гурури баян, ўз сўзида қатъий турадиган Президент эди. У юксак ақл-заковати, донишмандлиги, узоқни кўра бил-лиш қобилияти, жасорати билан нафақат Марказий Осиёдаги, балки минтақадан ташқаридаги воқеа-ходисаларга ҳам таъсир ўтказа олган тарих гувоҳ. Халқаро миқёсдаги мураккаб масалалар муҳокамасида дунёнинг энг қудратли давлатлари раҳбарлари ҳам унинг фикри билан ҳисоблашар эди. Бунга исталганча мисол келтириш мумкин.

Биринчи Президентимиз халқимизни нафақат бир асрдан зиёд қарамликдан қутқарди, нафақат мустақиллигини асраб-авайлади, мустақиллигини, балки янги Ўзбекистон давлатини яратди, жаҳон ҳамжамиятида унинг муносиб ўрни эгаллашгани тасминлади.

Ислом Каримов шахси ва хизматларига адолатли баҳо бериш учун, аввало, у республикага раҳбар этиб сайланган пайтда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-руҳий ҳолат қандай аҳолида бўлганига эътибор қаратиш талаб этилади. Уша даврда Ўзбекистон ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида қолган, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги мутлақо издан чиққан, одамларнинг давлатга ишончи йўқолиб бўлган эди. Бунга ёши улуглар яхши эслашади.

Фаргона вилоятида эса бузғунчи кучлар томонидан май ойда уюштирилган оммавий тартибсизликлар июнь ойига келиб кескинлашиб кетган, уйлар ва машиналар ёндирилаётган, беғуноҳ одамлар нобуд бўлаётган эди. Агар зудлик билан амалий чора-тадбирлар қўрилмаса, бу воқеа бошқа ҳудудларда ҳам содир бўлиши, янада оғир оқибатларга олиб келиши аниқ эди.

1989 йил 23 июнда республика раҳбари бўлган Ислом Каримов 24 июнда ҳўкуматнинг Фаргона воқеалари таҳлилига бағишланган катта йиғилишини ўтказди. 25 июнь куни эрталаб олов ичида қолган Фарғонага жўнаб кетди, ваҳимага тушган, ҳаҳр-ғазабга тўлган одамлар орасига кириб бориб, улар билан юзма-юз очик гаплашди. Муаммоларни ҳал этишга киришди.

Ислом Каримов республика раҳбари сифатидаги фаолиятини ана шундай таҳликали, оғир шaroитда бошлади, олдинда уни бири-биридан мураккаб яна қўллаб муаммолар кутарди.

Тўхмат ва уйдирмадан иборат «Пахта иши», «Ўзбек иши» деб аталган, 1983 йилда бошлан-иб, 1989 йилгача давом этган қатагон даврда 4 мингдан зиёд ҳаюмюртимиз Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Россия қамқоналарига ташланган эди. Халқимиз таҳқирланган, ҳақорат-ланган, ҳўрланган бир давр эди. Қамқода ётганларнинг оила аъзолари, яқинлари ёрдам сўраб, турли идоралар эшиклари олдида йиллаб сарсон-саргардон бўлиб юрганди. Бу адолатсизликларга барҳам бериб, одамларда эртанги кунга ишонч уйғотиш мўҳим аҳамиятга эга эди.

Ислом Каримов ташаббуси билан махсус комиссия тузилди, унга «Пахта иши», «Ўзбек иши» бўйича судланганлар ишини қайта кўриб чиқиш вазифаси юкланди. Собик Иттифок Бош прокуратураси, Олий суди раҳбарларининг қаршилиги, дўқ-пўписасига қарамай қамалганларнинг аксарияти оқланди, оиласи бағрига қайтарилди.

Марказ сиёсатига қарши бўлган бундай ишларни катта журъат ва жасоратга эга, ўз халқи ор-номуси, обрўси, тақдирини учун чинакамига қайғурган етакчигина қила оларди, албатта.

Ўта оғир ва мураккаб масалалардан бири — ботқоққа ботган ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўнглаш эди. Республикаимиз аҳолисининг ҳаёт даражаси Иттифокда энг охириги ўринлардан берида турарди. Ўзбекистон асосий озиқ-овқат маҳсулотларини Иттифок аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қиларди. Республикаимиздаги мактаб ва шифохоналарнинг яримдан қўли ноёб биноларда жойлашган бўлиб, авария ҳолатида эди. Оналар ва болалар ўлимни бўйича Ўзбекистон собик Иттифокда биринчи ўринда турарди. Айниқса, қишлоқ аҳолиси ҳаёти

ачинарли аҳволга тушиб қолганди. Ўзбекистон туну кун меҳнат қилиб, Марказга тонна-тонна пахта, тилла, пилла, қорақўл ва бошқа қиммат-баҳо маҳсулотларни етказиб берар, лекин халқимиз учма-уч кун кечирар эди.

Оддий қилиб айтганда, совет давлатининг ҳўрматсиз ва шафқатсиз сиёсати, юртимизни фақат хомашё етказиб берадиган ўлкага айлантирган нотўғри иқтисодий сиёсати Ўзбекистонни хонавайрон қилганди.

Ислом Каримов одамларнинг кўнглини кўтариш, давлатга ишончини қайтариш, тинчликни асраш учун бутун диққат-эътиборини ижтимоий-иқтисодий ислохотларга қаратди. Айниқса, республика аҳолисининг асосий қисми яшайдиган қишлоқлардаги аҳволни яхшилаш алоҳида аҳамиятга эга эди. Ислом Каримов ягона ва тўғри, аммо кўпчилик учун қўтилмаган йўлни танлади. У одамларни маънавий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватламай туриб, тинчликни сақлаш ва ўйланган мақсадларга эришиш мумкин эмаслигини яхши англади. Шу боис ҳам Ислом Каримов Марказнинг янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта етиштиришни тобора ошириб бориш тўғрисидаги талабини бир четга суриб қўйиб, пахта майдонларини қисқартириб, бўшаган ерларни уй-жой қуриш, томорқа қилиш учун қишлоқ аҳолисига бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Совет давлатининг қутурган қатагон сиёсати қайта ҳўким суриб турган бир пайтда бундай қарорни қабул қилиш чинакам жасорат, халқ учун қайғуришнинг ёрқин мисоли эди.

Бу қарор нафақат қишлоқ аҳли, шаҳар аҳолисини ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ёрдам берганини вақт кўрсатди.

Ислом Каримов республикага раҳбар бўлиб келган дастлабки кўнлардаёқ ўз фикрини дадил айтиб, у ёки бу масалада мустақил қарорлар қабул қила бошлади. Ўлар мазмун-моҳияти билан халқимиз ҳўқуқлари, шаъни ва қадрини ҳўмоя этиш, юртимизни мустақилликка олиб боришга қаратилган эди. Мустақиллик йўлидаги асосий ҳаракатлар ривожини ҳам бунга яққол кўрсатиб турибди.

1989 йил 21 октябр, Ўзбекистон ССР ҳудудда Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. 1990 йил 24 март, собик Иттифокда биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президент лавозими таъсис этилди.

1990 йил 20 июнь, Мустақиллик декларацияси қабул қилинди.

1991 йил 31 август, Ислом Каримов 1 сентябрни Мустақиллик куни деб эълон қилди. Бу халқимиз тақдирини ўзгартариб юборган тарихий воқеа бўлди.

Бироқ Мустақилликни асраш, мустақамлаш осон кечмади, қўтилган ва қўтилмаган оғир синовлардан ўтилди. Иттифокдош республикалар билан алоқалар узилган, муаммолар устига янги муаммолар пайдо бўлаётган эди. Энг даҳшатлиси — бир ҳафтага етадиган ун захираси қолган бўлиб, республика очарчилик останада турарди. Ислом Каримов ўта мураккаб ва таҳликали бу шaroитда донишмандлик кўрсатди, зудлик билан барча имкониятларни ишга солди, узоқ-яқин давлатлар билан дўстона келишувларга эришилди. Фалокатларнинг олди олинди. Айни чоғда давлат қўрилишини мустақамлаш, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг асосий стратегик йўналишларини белгилаб берди. Бу йўл тўғри танланганини кейинчалик ҳўқимиз ўзи исботлади.

Ислом Каримовнинг бебаҳо хизматларидан яна бири шундаки, у нафақат Ўзбекистонни, балки бутун минтақани қон тўқилишидан, урушлардан бир неча бор асраб қолди.

Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида бўлган воқеа, Наманган ва Андижонда экстремистик тўдалар ҳўружлари, мамлакат ичарисидида бузғунчи кучлар уюштирган фитналар, саботажлар катта ақл-идрок билан бартараф этилди. Агар ўз вақтида оқилонга чора қўрилмаса, биргина хатога йўл қўйилса, тўлиқ ишонч билан таъкидлаш кераки, ўша воқеалар бутун Марказий Осиёдаги вазиятни издан чиқариши ва узоққа чўзилганидан оғир оқибатларга олиб келиши мўқаррар эди.

Мустақилликни эълон қилгач, тўғри йўлни

тополмай парокандаликка юз тутган республикаларни кўрдик. Ён-атрофимиздаги давлатларнинг бири фуқаролик урушини бошидан кечирди. Иккинчисидида икки марта давлат тўнтариши бўлди. Энг катта давлатлардан бири тўс-тўлопон ичида қолиб, пойтахти марказида парламент биноси замбараклардан ўққа тутилди. Украина ва Грузиядаги охири кўринмаётган ички низолар, можаролардан ҳам яхши хабардормиз. Биз ҳақиқат ҳақида гапирадиган мард бўлсак, бу воқеалардан ҳўлоса чиқаришимиз, ҳақиқат кўзига тик қараб гапиришимиз керак.

Бири-бирдан ўткир, қалтис масалаларни ҳал этиш, тинчликни сақлаш, мустақилликни мустақамлаш учун тинимсиз кураш бораётган ҳўловатсиз кўнларда ёш мустақил давлатнинг ҳўқуқий асосларини яратишга киришилди. Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида мамлакатнинг Асосий қонунини — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Тарихан қисқа вақтда, иқтисодимиз ҳали ўзини тиклаб олмаган оғир бир шaroитда кенг қамровли ислохотлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон автомобил йўли ва чиқарадиган санокли давлатлардан бирига айланди. Ававалига Тошгузар-Бойсун-Қўмқўрган темир йўли, сўнгра Ангрн-Пол электрлаштирилган темир йўли, Қамчиқ доводнида темирйўл тўннели қурилди. Тушнимизга кирмаган, эшитсанг, ишонини қийин бўлган тарихий ишлар эди бўлар. Ўзбекистон ҳаво йўллари, Темир йўллари тизими қайта ташкил этилди. Дон ва нефть мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирлари қўрилди. Шаҳарлар ва қишлоқлар қиёфаси ҳам ўзгара бошлади. Қишлоқ ҳўжалигини қайта ташкил қилишга киришилди — қолхоз ва совхозлар ўрнига фермер ҳўжаликлари институти таъсис этилди.

Биринчи Президентимиз раҳбарлигида Ватанимиз мустақиллиги, унинг чегаралари даҳлсизлигини ишончли ҳўмоя қила оладиган замонавий миллий армия шаклланди. Халқимизнинг маънавий қадриятлари — мўқаддас динимиз, бебаҳо тарихий меросимиз, урф-одатларимизни тиклаш ва ривожлантириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ислом Каримовнинг буюк орзуси — ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялаш ва тайёрлаш эди. Бу мақсад йўлида куч ва маблағ аямлади. Ўзбекистон ёшларининг халқаро майдонлардаги ютуқ ва ғалабаларини кўриш унинг учун энг қувончли ва бахтли онлар эди.

Ислом Каримов энг оғир йилларда республикага раҳбарлик қилди. Унинг бутун ҳаёти ва фаолияти курашлар, оловлар ичида ўтди. Баъзан тақдир унга сира қўтилмаган мусибатларни рўпара қилди, темир ҳам дош бериши қийин синовларга солди. Қанчалик оғир, азобли, изтиробли бўлмасин, ҳар қандай вазиятда ҳам у ҳамма нарсадан, энг яқин кишиларидан ҳам Ватан манфаати, халқ манфаатини юқори қўйиб қарорлар қабул қилди. Ислом Каримов чўн маънода буюк шахс эди. Бу ҳақиқатни ҳаёт унинг рақиблари ҳам тан оларди.

Бугун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз номини ҳар доим юксак ҳўрмат-эҳтиром билан ёдга олмоқда, Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш бўйича кўрсатаётган ташаббусларини халқимиз мамун бўлиб оқширмамоқда, қўллаб-қувватламоқда. Мамлакатимиз тараққиётини янги, янада баланд босқичга кўтариш учун ғайрат-шижоатли кураш олиб боришмоқда. Давлат бошқарувида очикликни таъминлаш, фуқаролар ҳўқуқларини самарали ҳўмоя қилиш, шаънини, қадрини улуглаш бўйича бекиёс ишлар қилинмоқда. Биринчи Президентимиз руҳини шод етадиган ютуқларга эришилмоқда.

Йиллар ўтади, асрлар ўтади, авлодлар алмашади, лекин Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, ватан тарихи ва миллат тақдирини ўзгартирган буюк давлат арбоби сифатида халқимиз қалбида, хотирасида абадий яшайди.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ЎЗБЕКИСТОН «АРМИ-2019» ХАЛҚАРО АРМИЯ ЎЙИНЛАРИДА Ватанимиз ҳарбийлари юксак маҳорат намоиши этишди

Натижада жамоамиз Россия ва қозоғистонлик ҳамкасбларини орта қолдириб, 1-ўринни эгаллади.

«Танк биатлони» мусобақасида вакилларимиз бу йил биринчи марта иштирок этди. Шунга қарамай, танкчиларимиз Москва вилоятида жойлашган Алабино полигонидида «Танк биатлони» II дивизиони мусобақаларида катта маҳорат намоиши этиб, финалга йўллангани кўлга кириштирди.

Финалда юртдошларимиз Т-72 Б-3 танкни маҳорат билан бошқариб, тезкор ҳаракатланиш, турли мураккаб тўсиқлардан беталафот ўтиш, белгиланган нишонларни йўқ қилиш бўйича энг яхши натижани қайд этди.

Яшил танкда ҳаракатланган Ўзбекистон жамоаси финалда Вьетнам, Куба ва Уганда жамоаларидан 17 дақиқа олдин, яъни 2 соат 7 дақиқаю 22 сонияда маррага биринчи бўлиб етиб келди ва II дивизионнинг мутлақ ғолибига айланди.

Халқаро армия ўйинларининг «Содиқ дўст» мусобақасида 2017 йилда 3-ўринни, 2018 йилда 4-ўринни кўлга киритган Ўзбекистон ҳарбий кинолотлари жорий йилда 2-ўринга сазовор бўлди.

1600 метр масофага эстафета югуриш шартида шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Содиқ Дилмуродов ўзининг «Клифт» лақаби хизмат ити билан рекорд ўрнатди. Вакилимиз белгиланган масофани 5 дақиқаю 59 сонияда босиб ўтди. «Содиқ дўст» мусобақаси тарихида ҳали бундай кўрсаткич бўлмаган, дея эътироф этишди мутахассислар.

Омск шаҳрида ўтказилган «Рембат» — «Энг илгор таъмирлаш ва эвакуация батальони» мусобақасида терма жамоамиз яқна тартибдаги пойға отиш тайёрлаш, жамоа сардорлари беллашуви, ҳарбий техника эстафетаси, аралаш эстафета шартларида жами 6 022 балл жамғарди. Шартнома бўйича оддий аскар Абдумалик Нажмидинов «Энг яхши мерган» номинациясида энг юқори — 100 балл тўллаб, бу борада тенгсиз эканлигини намоиши этди. Ушбу мусобақада биринчи мартаба иштирок этган мамлакатимиз вакиллари дунёнинг кучли 8 жамоаси ўртасида фахрли 2-ўринни кўлга киритди.

«Қўшин разведкаси аълочилари» мусобақаси Ҳиндистоннинг Жайсалмер шаҳри ҳудудидаги полигонда бўлиб ўтди. Россия, Беларусь, Қозоғистон, Арманистон, Хитой, Ҳиндистон ва Суданнинг қўшин разведкачилари «Десант бўлиб тулиш ва марш-бросокни амалга ошириш», «Механик-ҳайдовчилар мусобақаси», «Разведкачи сўқмоқнинг комплекс тўсиқларини енгиб ўтиш», «Ўқ отиш» ва «Разведка бўлинимасининг вазифани бажараганидан сўнг йилги пунктга чиқиш» босқичларида олиб борилди.

Бешинчи босқичда ўзбек разведкачилари қурол-аслаҳалар ва тўлиқ жановар экипировкада сувли тўсиқдан сузиб ўтиш шартини 13 дақиқаю 22 сонияда баҳариб, мусобақа рекордини ўрнатди.

Яқунда шўхсупа қўйидагича кўриниш олди:
I ўрин — Ҳиндистон;
II ўрин — Ўзбекистон;
III ўрин — Россия.

Тантанали ёлпиш маросимида тўйиқ нафар ҳарбий хизматчимиз алоҳида номинациялар бўйича ёрқилар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



«Эльбрус ҳалқаси» халқаро мусобақасида иштирокчи давлатлар ҳарбий хизматчилари бир неча шартларни ўта мураккаб тоғ шaroитида ва кучли босим остида бажарди. Кабардин-Болқордаги Эльбрус қўқисига уюштирилган марш ҳарбий алпинистларни жиддий синовдан ўтказди.

Унлаб махсус вазифаларни ўз ичига олган марш давомида улар Терскол қўқисини, Азав яланлигини, Прют-11, Эльбруснинг дениз сатҳидан 5642 метр баланд бўлган ғарбий қўқисига 20 километрга яқин масофани босиб ўтдилар. Марш давомида баландлиқнинг умумий ўзгариши 2200 метрга тенг бўлди.

Финал беллашуварларида Ўзбекистон жамоаси Эльбрусни биринчи бўлиб забт этди. Бунинг учун жамоамизга 4 дақиқаю 25 сония керак бўлди. Вакилларимиз ушбу мусобақаларда 2017 ва 2018 йил 4- ва 5-ўринларни эгаллаган эди. Жорий йил 12 041 балл жамғарган Ўзбекистон жамоаси шўхсупанинг иккинчи поғонасини эгаллади.

Ўзбекистоннинг «Йўл патрули» жамоаси Эронда ўтказилган халқаро мусобақада кучли учликдан жой олди. Жамоалар етти ҳарбий хизматчи тарихида «Лада Веста» маркасидаги автомобилларда экстремал шaroитларда турли мураккаб шартларни бажариш,

индивидуал пойға, қўл ва жез ёрдамида йўл ҳаракатини тартибга солиш, гилдиракларни алмаштириш, ҳарбий-техник эстафета шартлари бўйича беллашдилар.

Ҳўлдиракни тезлик билан алмаштириш ва экстремал шaroитда автомобилни авто-тураргоҳга жойлаштиришда барча жамоалар хатога йўл қўйди, бу шартни кичик сержант Сидик Аъзамов 1 дақиқаю 34 сонияда хатосиз бажариб, хитойликларнинг ўтган йилги рекордини янгилади. Ана шу рекорд жамоамизни шўхсупанинг 3-поғонасига олиб чиқди.

Қозоғистоннинг «Отар» базиси полигонидида «Артиллерия олови усталари» халқаро танловида Арманистон, Беларусь, Венесуэла, Озарбайжон, Зимбабве, Эрон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Сурия, Тожикистон ва Ўзбекистон жамоалари биринчилик учун ўзаро курашди.

«Индивидуал пойға», «Тунги спринт» ва «Эстафета» деб номланган уч босқич баҳсларининг якуний натижаларига кўра, ўзбекистонлик артиллериячилар кучли учликка киришга муваффақ бўлди.

«Дала ошқонаси» бўйича кўриқда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Беларусь, Шри-Ланка, Вьетнам, Мўғулистон, Жанубий Африка Республикалари жамоалари кураш олиб борди.

Ўзбек ҳарбий ошпазлари мусобақанинг иккинчи босқичида пишириқ ва шاربат тайёрлаш шартини муваффақиятли бажариб, ярим финалга йўл олди. Сўнги босқичда эса вакилларимиз дала шaroитида тайёрлаган икматадан биринчи ва иккинчи таомлар, шاربат ва ширинлик (десерт) ҳакамлар ҳайвоти томонидан мўносиб баҳоланди.

Шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи, оддий аскарлар Мехлибой Ғаниев, Шарофиддин Ҳафизов, Нодирбек Жўраев, Бекзод Каримов, Жоникбек Шарипов, Мурод Пирматов тайёрлаш таомлар мазасини мусобақага таширф бюрган меҳмонлар узоқ вақт эслаб юрсалар керак. Улар 10 та одам орасида фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

Томенги вилояти дала-ўрсу майдонида бўлиб ўтган «Хавфсиз маршрут» йўналиши баҳслари Су-24 бомбардимончи самолёти ва Ми-8 вертолётининг шартли авиазарбалари шaroитида бошланди. Бўйлан ташқари, 6000 метрга яқин беллашу йўналинга ўрнатилган 250 дан зиёд иммитацион, сигнал ва портловчи-ёнувчи зарядлардан иборат электропортловчи мосламалар топшириқларини бажариш янада мураккаблаштирди.

Жанг ҳолатига максимал даражада яқинлаштирилган мусобақа жараёнида ўзбекистонлик муҳандис-саёёрлар жанговар вазифани муваффақиятли адо этиш учун қўлай шaroит яратиш, душманга талафот етказиш ва унинг ҳаракатларини қийинлаштириш каби вазифаларни ўз ичига олган шартларнинг якуний балларига кўра, етти давлат жамоалари ўртасида учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ҳарбий хизматчи оддий аскар Шавқиддин Нарзуллаев ва кичик сержант Феруз Гўчиев «Энг илгор БАТ-2 эккипаси» номинацияси ғолиби дея эълон қилинди.

Хитойнинг Корла шаҳрида ўтказилган V Халқаро армия ўйинларининг «Мусаффо осмон» мусобақаси 3 босқичда: «маҳорат», «халқорлик» ва «аралаш эстафета» шартлари бўйича ўтказилди.

Хитой, Россия, Беларусь, Миср, Венесуэ-



ла, Покистон ва Ўзбекистон жамоалари «Туре 92А» БТР техникасида ҳаракатланиш, QW-2 кўча зенит ракета маҳмуасидан сониясига 250-300 метр тезликда учмаётган «Вертолёт» нишонини ҳамда 12,7 миллиметр зенит пулемёт қўрилмасидан бошқа нишонларни яқсон қилиш амалиятини бажарди.

Икки босқич якунида ватандошларимиз Покистон жамоаси билан тўртинчи ва бешинчи ўринларни баҳам қўришаётган эди. Бироқ «аралаш эстафета» шартида эгалланган иккинчи ўрин якунда совридорлар қаторида бўлишимизни таъминлади.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси 2018 йилда 5-ўринни кўлга киритган бўлса, бу йил 3-ўринни эгаллади. Миллий армияимизнинг куч-қудрати, Ватанимиз ҳўмоячиларининг жанговар шайлиги йилдан-йилга юксалиб бораётганини яққол намоён қилган «Арми-2019» халқаро ҳарбий ўйинларининг ғолиблари Ислом Каримов номидида Тошкент халқаро аэропортида катта тантаналар билан қўтиб олинди.

Ўз тақдирини Ватан тақдирини билан боғлаган, ориятни, гурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун билган бу йилгилар яна бир бор халқимизнинг ҳўрмат-эҳтирomini қозонди.

Домо элнинг тоғдек таянчи, суяни ва фаровон ҳаётининг ишончли қафопати бўлинг, қадри юрт ўғлонлари!

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

Истиқдол шарофати билан хорижда ўқийётган бир йигит хатида: «Онажон, бу ерда ҳамма нарса бор, фақат Ўзбекистон йўқ», — деб ёзади

«НИЯТИМ – ДУНЁДАГИ ЭНГ ЗЎР УНИВЕРСИТЕТДА ЎҚИШ»



АБИТУРИЕНТ – 2019

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотига кўра, 2019/2020 ўқув йилида мамлакатимиз бўйича жами 60 олий таълим муассасаси ва уларнинг 30 филиалига ўқишга кириш учун 1 миллион 66 мингдан зиёд талабгор бўлган. Уларнинг 718 минг 97 нафари кундузги таълим шаклига, 13 минг 821 нафари кечки таълим шаклига, 335 мингдан зиёди сиртки таълим шаклига ҳужжат топшириб, ўз билим даражасини синаб кўрди. Баъзи тест синовлари ҳали ҳам давом этмоқда.

Галвир сувдан кўтарилди, юқори балла эга бўлганлар, тўлов-контракт асосида талаба бўлганлар хурсанд. Ўтолмаганлар ҳеч кимдан хафа эмас, тест синовларидаги шаффофлик ёшларнинг билими ҳолис баҳоланганини кўрсатди. Синовлардан ўтолмаганларда янада яхши тайёргарлик кўриб, келгуси йилда орузсига етиш имконияти бор. Фарзандлари олий ўқув юртига кирган ота-оналарнинг қувончи чексиз, талаба бўлган ёшлар ўзини кўярга жой тополмайди. — Фарзандим Хусанжон Халқаро Вестминстер университетига ҳужжат топширган эди. Тест синовидан тўплаган баллари ҳақидаги маълумотни тест синовни ўтказилган куннинг эртасига олди, — дейди Самарқанд туманилик тадбиркор Нарзулло Маматкулов. — Унинг талабалikka тавсия этилган ёки этилмагани белгиланган тартиб бўйича тест синовларини ўтказиш жараёни тўлиқ яқунлангандан кейин бир ҳафта муддат ичида Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинар экан. Онаси, ўғли, қизим, ҳаммамиз ана шу жа-

вобни ҳаяжонланиб, орзиқиб кутдик. Бир ҳафта гўё бир асрдай туюлиб кетди назаримда.

— Вестминстер университетида биринчи имтиҳонда инглиз тилидан IELTS сертификати талаб этилади, — дейди Хусанжон. — Бу сертификат ўқувчининг инглиз тилидан билим даражасини белгилаб беради. Унда энг юқори балл 9 бўладиган бўлса, мен 8 балл олдим. Иккинчи имтиҳон эса математикадан бўлди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтдим ва шартнома асосида талабалikka қабул қилидим. Фақатгина математикадан бироз қийин саволлар тушди. Агар яна иккита масалани тўлиқ ечганимда грант асосида ўқишга қирардим.

Ўқишимизнинг биринчи йилида талабалар йўналишларга бўлинмайди. Иккинчи курсдан ҳар бир талаба ўз хоҳишига қараб факультетни танлайди. Бундан ташқари, мен Тошкент Молия институти ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳам ҳужжатларимни топширган эдим. Уларнинг биринчи имтиҳонларида юқори балл олдим. Лекин Вестминстерда қоладиган бўлдим.

— Хусанжон боғча ёшидалигида 100 та шеър ёдлаганди. Шунда унинг ўқишга бўлган қизиқишини эътиборга олиб математика ва физика фанига ихтисослаштирилган давлат унитар мактабига олиб бордим. У ерда турли танловларда, олимпиадаларда қатнашди. Мактабни қизил диплом билан тамомлади. Кейин банк коллежиди ўқиди.

Қариндошлар тўй қилади, туғилган кун ёки бошқа тадбирлар бўлади, бормасдан фақат дарс қиларди. Онаси болам юр кетдик, бир кун дарсинг қолса ҳеч нарса қилмайди, деса, йўқ, дарсимда узилиш бўлмаслиги керак, дерди.

Биз толган пулимизни ўғлимни ўқиши учун сарфляпмиз. Унга ортиқча нарса олиб бермадик, дабдабадан қочдик. Ўйлайманки, ота-оналар пулни тўғри сарфлаши керак.

Айтишларича, агар талаба яхши ўқиса, шартномадаги тўловдан 5 миллион сўм чегирма қилишар экан. Ўғлим шу имтиёздан фойдаланишга ҳаракат қилман, деяпти.

— Вестминстерни тугатгандан сўнг магистратурада АҚШ ёки Англияга бориб ўқишмоқчиман. Иложи бўлса Ҳарвард университетига қираман, — дейди Хусанжон. Келажакда иқтисодиёт ёки туризм йўналишидан биридан кетмоқчиман. Ниятим — дунёдаги энг зўр университетларда ўқиб, яхши малакага эга бўлиш.

Астойдил интилган албатта, ниятига етади. Хусанжон ҳам орузларига етишига ишончимиз қомил.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Баҳодир ҲАМРОҚУЛОВ, журналист.

Мустақиллик иншоотлари



АДОЛАТ КОШОНАСИ

Хива тумани маркази ҳисобланмиш Шомахулум қишлоғи кунда бир яшнаяпти. Сабаби, Хива ҳудудий жиҳатдан шаҳар ва туманларга бўлинган, айна шу қишлоқ туман маркази мақомини олди. Ҳозир туман учун зарур маъмурий бинолар қуриш жадаллик билан олиб бориляпти. Энг эътиборлиси, мазкур марказда илк иш бошлаган маъмурий бино жиноят ишлари ва маъмурий ишлар бўйича туман судлари биноси бўлди.

«Хива Чинобод бино сервис» хусусий корхонаси қурувчилари қисқа муддатда 2.8 минг квадрат метр майдонда мазкур замонавий бинони қуриб битказишди. Бунёдкорлик ишлари учун 3 миллиард 830 миллион сўм сарфланди. Судларнинг янги биноси бошқа шу каби бинолардан кескин фарқ қилади. Бу ерда одил судловни амалга ошириш, суд ишларини яритиш, энг муҳими одамлар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Янада ибратли томони шундаки, бу ерда суд жараёнлари ва бошқа тадбирлари видео алоқа режимида ташкил қилиш имконини берувчи замонавий электрон алоқа тизими ўрнатилган.

Ўтган шанба кuni янги бино очилишига бағишланган расмий маросимда вилоят ҳокими Ф.Эрманов, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раиси К.Комилов ҳамда суд тизими фахрийлари сўзга чиқиб, мамлакатимизда суд тизимини ислоҳ қилиш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя этиш борасида Президентимиз олиб бораётган сиёсат ҳақида сўз юритдилар. Янги суд биносининг иш бошлаши ана шу ислохотнинг меваси экани қайд қилинди. Бу ишлар судьялар ҳамда суд ходимларининг иш шароитларини тубдан яхшилаш, судлар мустақиллигини таъминлашга қаратилган дадил қадамлар эканлиги эътироф этилди. Янги бино нафақат сурати, сийрати билан, балки судьяларнинг адолатли қарорлари билан ҳам гўзал бўлмоғи керак. Янги бино судлар ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди, албатта.

Бугун нафақат хиваликлар, балки бутун воҳа аҳли янги бинони аллақачон «Адолат қошонаси» деб атамоқдалар. Амалда ҳам шундай бўлишига ишониб қоламиз.

Рўзимбой ҲАСАН,
журналист.

МАЪНАВИЯТ — ҚУДРАТЛИ КУЧ

ҲАЁТ – УЛКАН ДАРСХОНА

Ватан билан, юрт билан боғланса, ҳар қандай тушунча қудрат, теранлик, юксалиш касб этади. Бу ҳақиқатга кўп бор амин бўлганман.

Хизмат сафарига чиқганимизда чўл ҳудудда жойлашган хонадонлардан бирига тўхтаб ўтдик.

— Сув муаммоси яқинда ҳал бўлади. Ҳозирча сув талаб қиладиган экинларни экмай турибмиз. Албатта, ўзбек хонадони атиргулу райхонсиз ўзига ўхшамайди. Шунинг учун бир жуфт атиргул парваришляпмиз. Қўлингизни гул остига юва қопинг меҳмон, ҳарна сув ичгани...

Уй бекаси хиёл майдароқ гўнчалари очилай-очилай деб турган атиргулни менга кўз-кўзлагандай кўрсатди. Ўша минис гуллар гўё кун бўйи кўнглимга ўз ифтини сочиб, юрган йўлларимни файзиёб этгандек бўлди.

Ҳа, юрт номи билан боғланса, бир жуфт гул ҳам бўстон шодлигини беради. Эҳтимол, ҳамма ҳам Ватан, юрт билан боғлиқ қалбидан кечаётган ҳароратли туйғунинг нима эканини тушунтириб бера олмас, лекин айнан шу ҳиссиёт инсонни жамиятда ҳам, оилада ҳам устун каби ушлаб туради. Унга мақсад, ҳарорат, интилиш беради.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Андижоннинг Олтинқўл туманидаги «Олтинқўл — водий гулшани» фермер хўжалиги раҳбари Сиёсатхон Абдуллаева ҳаётлик пайтида бир суҳбатимизда айтган гапларини доим эслайман:

— Одам битта ўзи учун қаҳрамонликка қадам ташламайди, тавоқал қилмайди. Бир йили учқулоқ бўлиб турган гўзалларим устидан ёмғиру дўл шаррос қуйиб ўтди. Уларнинг бир-икки сонияда шалла-йиб ётганини кўриб, иситмам қирққа чиқиб, ўзимни ўнглай олмай қолганман. Кейин менга ишонч билдирган элу юртим, ризқу рўзи шу ер, шу ҳосил билан боғлиқ одамларни ўйлади. Ўрнимдан туриб кетдим. «Одам урдалай олмайдиган иш борми?! Қайта экимиз», — дедим. Беҳа-

ловатлигимиз ҳудода хуш келдимиз, ҳосил б-и-и бўлиб берди...

Дарҳақиқат, ортида елкасидан суйадиган эли, кузатиб турган меҳри қўзлари бўлмаса, иситма банди-бандидан бўша-тирган аёл ўзини роҳатбахш бир гўшага ташлаган бўлмасмиди? Аёл боши билан этик кийиб, нам ерларга қирариди?!

«Фидокорона меҳнатлари учун» ордени соҳиби, бокс бўйича Жаҳон ва Осий чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров, Ҳьюстон шаҳрида ўтказилаётган мусобақада қаттиқ жароҳатланиди. Ўшанда у 25 ёшда эди. Соғлигини ўйлаб олишувни тўхтатса, ўзини эҳтиёт қилса бўларди. Лекин унинг ортида галабасини кутаётган Ватани, нон-туз бериб катта қилган эл-юрти бор эди. Шу боис Ўткирбек рингни ташлаб кета олмади, жароҳатланган ҳолида жангни давом эттириб, галаба қозонди.

Ватан, ватандошларинг ҳақида суюниб ўйласанг, ўйларнинг гавҳар шодасиндай тизилиб келаверади. Ўзбекистон халқ артисти, бетақор овоз соҳибаси Муножатхоним Йўлчиева истиқлол йилларида жаҳоннинг энг нуфузли сахналарида мумтоз ашулаларимизни маҳорат билан қуйлаб, халқимиз руҳияти нақадар бақувват, кўнгли гўзалликка тўла эканини намоён этди. Чет элликларни ҳам шунга ишонтирди, санъатимизни севдирди.

— Саҳнада қуйлаётганимда юртимизнинг боғлари, гулзорлари кўз олдимдан ўтади, — дейди Муножатхоним. — Соғларнинг новот рангли мавжлари, худди қорачиғимда тўхтаб қолгандек бўлади. Шамоллар шивир, отлар дулири қулоғимга эшитилади. Уйимни, яқинларимни эсласам, юрагим хапириб кетади...

Нақадар қалбга яқин сўзлар. Демак, вужудимиздаги бор жонли, ҳароратли ҳиссиётлар Ватан билан боғланган. Азалдан шундай яралганмиз. Шунинг учун Ватан билан боғлиқ ҳар бир сўз, ҳар бир суварат юрагимиздан ўтади.

Халқимиз қалбиди оғир жароҳатлар



қолдирган Андижон воқеаларидан кейин бир азадор хонадонга ҳамдардлик билдириш ниятида қиргандик. Ёш жони завог толган йигитнинг хизмат кийими хонадон тўрига осиб қўйилган, олдузчалари елкасида ярақлаб турибди. У гўё бир неча дақиқага қаергадир чиққан у ҳозир келиб кийимларини қияди-да, онасининг дуосини олиб, вазифасини ода этишга кетадигандек... Ўғлининг бўйини гулларга тенглаб ўстирган, йигитлар қаторига қирганида Аллоҳга минг шукрлар айтган, қувелик сарпосини тайёрлаб, катта оруз ҳавас билан тўйга тайёргарлик кўраётганида... Айрилиқдан жигари титилиб, бағри ситилган онага қандай тасалли берамиз? Фотиҳага келиб-кетувчилар учун қўйилган хонтахта атрофида бир сиқим бўлиб ўтирар эканмиз, ҳар биримизнинг қалбимиздан шундай ўйлар кечарди. Шу топда ёмғирлар шодасидан букилиб турган мажнунтол шоҳларига ўхшардик. Битта шарпа тегса, тўкилиб кетадиган ҳолда эдик гўё...

Мотам либосидаги аёл (рахматли йигитнинг онаси) қириб келди. Дуои фотиҳа, титоватдан сўнг аёл деди:

— Ватан учун ҳаётини берди. Шунга ўйласам, дардим ёнгиллашгандай бўлади. Лекин болам енгиллашгандай бўлади. Лекин болам енгиллашгандай бўлади. Лекин болам енгиллашгандай бўлади.

Ҳар бир ота-она ўз боласидан яхшилик кутади. Афсуски, баъзилар ота-онасига иснод келтиради. Турли жиноий ишларга қўл уриб, ота-онани қуйдиради.

Мотамсоз аёлнинг сўзларини эшитиб, қўксимизда ербағирлаб ётган ҳиссиётлар тик тургандай бўлди. Онаизорга сўз айтмадик, айтолмадик. Хайрлашаёт-тиб, бир-бир бағримизни бағримизга босдик. Ким-кимдан куч олди...

— Ҳа, Ватан билан боғланса, юрт билан боғланса, таскинлар ҳам кучли бўларкан, — деди қайтишда орамиздаги ёши улғў олим.

Бир одам тақдир тақозаси билан юртдан кетиб, хорижда истиқомат қилиб қолган экан. Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганда у Ватанга қайтишни истаган, лекин соғлиги, кексалиги туфайли бунинг иложини топа олмабди. Сўнгра «Юртимиздан бир ҳовуч тупроқ олиб келинлар», — деб Ўзбекистонга бориб-келувчилардан илтимос қилибди. Отаҳоннинг истаги бажарилибди. Ўша қария ҳар кунги чойига бир чимдим тупроқ солиб ичар экан. Бунинг сабабини сўраганларга:

— Чойимдаги тупроқдан келиб турган ис соғинч, ҳижронда адо бўлган қалбимга мадор бўлади, — дер экан.

Истиқлол шарофати билан хорижда ўқийётган бир йигит хатида: «Онажон, бу ерда ҳамма нарса бор, фақат Ўзбекистон йўқ», — деб ёзади.

Ҳижронда чол ва талабанинг туйғулари қанчалар бир-бирига яқин, ўхшаш! Демак, «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!», — деган гап замирида олам-олам маъно-мазмун бор. Шу юрт ҳақида ўйлайдиганлар нафақат атрофимизда, балки хорижда ҳам борлиги қалбда жонбахш туйғулари уйғотиб юборади. Япониялик таниқли олим, ёзувчи, саёхатчи Акио Каватонинг журналистларга берган интервьюсини ўқидим. «Ўша маҳаллар халқ ўзини вақтинча еб-ичишдан, кийи-ниш, кўнгли очишдан, валютани четга чиқармаслик мақсадида саёхатдан ҳам чеклаган. Бир сўз билан айтганда, миллат Японияни тиклаш, оёққа тургазиш йўлида бирлашди», — дейди у иккинчи жаҳон урушидан сўнгги йилларни хотирлаб.

Бундай сўнгги ҳаётимизга бизга бегонами? Йўқ, асло! Фашизмга қарши жангу жадаллар бораётган пайтда момоларимиз қўл қовуштириб ўтирмаган, далага чиқиб меҳнат қилган, ҳатто сандиғидаги мерос зёб-зийнатга «Аскарлар учун», деб бериб юборган.

Ўзи юпун нимчада қолса ҳам, пахталик камзулини фронтга жўнатган. Бир бурда нонини уруш майдонларидан Ўзбекистонга эвакуация қилинган турли миллат вақиллари билан баҳам қўрган. Қанчалаб етим болаларни ўз оиласи бағрига олган.

Ватан муҳаббати, ватанпарварликнинг замони йўқ, у ҳаммаша замонавийдир. Ҳаёт — улкан дарсхона. Ватан эса унинг ҳар кунги ўқитилиши, ўқилиши керак бўлган мавзуси. Шунинг учун Бобурнинг Андижон қовуни орқали ақс этган Ватан соғиничини қандай тушунсак, бутун юртдошимиз, мусуқашунос, лугатшунос олима Дипором Қароматнинг ҳинд дёнрининг Лахноу шаҳридан ота-онасига ёзган мактубидаги интизорлигини шундай тушунамиз.

Яқинда бир коллежда учрашув ўтказилди. Унда талабалардан бири шундай деб қолди:

— Шоира опа, мен унча яхши ўқимайман. Сиз ватанпарвар бўлиш учун яхши ўқиш, яхши ишлар қилиш керак, дедингиз. Демак, мендан ватанпарвар чиқмайдимми?

Бир қараганда оддий, лекин қутилмаган савол. Гап Ватан ва ватанпарварлик ҳақида борар экан, ҳар бир сўз ва жумланинг залвори бўлади.

— Ватан учун буюк ишлар қилиш ҳар кимнинг имконидидаги иш эмас. Бунинг учун тарихнинг бурилиш нуқталарида тақдир ўзгача шахсларни яратди. Лекин Ватан учун хизмат қилиш ҳар биримизнинг имконимизда бор. Масалан, ўзимизни ёмонликлардан асраб, ҳалоп, тўғри инсон бўлиб етишсак, ўзимиз севган касбкор билан шуғулланиб, рўзгоримизни пешона тери эвазига тебратсак ҳам юрт учун яхши иш қилган, Ватан учун чиройли яшаган ҳисобланамиз, — деб жавоб қайтардим.

Кейинги пайтларда «Ватан» демасдан ҳам юртни севиш мумкин, ҳадеб айтилаверса, оҳори тўкилади, деган мазмундаги гаплар пайдо бўлди. Ватан либос эмас, кийса, оҳори тўкиладиган. У дунё ичидидаги дунёмиз. Товушларида виқор, муҳаббат, ҳарорат бор. Нега «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» — дея шеър ўқисак, «Ўзбекистон Ватаним маним», «Ўзбегим» деб қуйласак, ўзимизни оддий Мунаввара ё Муниса эмас, буюклининг бир қисмидай тасаввур этамиз?! Ўша сўз салобатидан, ўша сўз меҳри, сеҳридан эмасми бу улканлик!

Ватан, деб айтмайиз.
Ватан, деб қуйлаймиз.
Ватан, деб яшаймиз.
Ва шу туйғулар ичра улғаямиз, юксаламиз.

Мунаввара УСМОНОВА,
«Саодат» журнали,
Бош муҳаррири, шоира.

Жамиятда ногиронликни бир фоизга камайтира олиш ҳам катта ютуқ эканини қайта-қайта такрорлади.

НОГИРОН ТУҒИЛГАН БОЛАЛАР учун ким айбдор, ким жавобгар?

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Бухоро шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар интернат уйига кирганимизда қурилиш таъмирлаш ишлари авж палласида эди. Ходимлардан бири бизни муассаса директорининг хонасига бошлади. Раҳбар бошқа меҳмонлар билан бандлиги сабабли кутиб туришимизга тўғри келди. Шу орада айрим маълумотлардан хабардор бўлдик.

Муассасада 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган ақлан заиф ва ногиронлиги бўлган болалар яшаб, таълим-тарбия олади. 2009 йилда фаолият бошлаган, ушбу интернатнинг асосий биноси Давлат бюджетига қарашли. Айни пайтда муассасада 280 нафар бола яшайди. 25 нафар шифокор, 300 нафар анага ва 21 нафар ҳамшира уларни парваришлаб келмоқда. 57 нафар болага бошланғич таълим ҳам берилар экан.

Муассаса раҳбари Шоира Шамсиевага бир қатор саволлар билан муносабат қилдик.

— Ақли заиф ногирон болалар билан ишлаш, уларни ўқитиш, уларни ўқитишнинг машаққатли тасаввур қилиш қийин эмас. Бу ердаги тартиб-қоидалар ҳақида тўхталсангиз?

— Бизда бошланғич билим берилди. Яъни босма ҳарфларда бўлса ҳам исмини ёза олса, ўз-ўзига хизмат қила олса, масалан, пилани олиб келиш, овқатланиш ва бошқа ҳаракатларни бажариши ҳам бу болаларнинг ютуғи ҳисобланади. Муассасамиздаги болаларнинг аксарияти овқатланиши ҳам билмайди. Шунинг учун улар ўқитилади, ўргатилади.

Ақли заифлигининг турлари кўп. Улар касаллик даражасига қараб даволанади, жисмоний ва руҳий машқлар ҳам ўтказилади. Илмий жиҳатдан олиб қаралганда, ақли умуман ишламайдиган ва 20-25 фоиз ишлайдиганлар бор. Биласизми, бу руҳий ҳолатни тушуниш, даволаш жуда мураккаб ҳисобланади. Масалан, Бобуржон исмли бир боламиз бор. У 16 ёшда. Озодбек Назарбековни кўшиқларини айтади. Худо берган истеъдоди бор. Лекин сиз билан яхши гаплашиб туриб, ақлга сиймайдиган нотўғри ишни қилиб қўяди. «Бобуржон ёмон иш қилиб қўйдингизку», десак, жиддий туриб бошқа қайтарилмаслигини айтади. Эртасига эса

яна шу ҳолат такрорланади.


Бу биргина мисол. Бобуржон каби болалар эса кўпчиликини ташкил этади. Улар тушунади, фикрини айта олади. Аммо айримлари фикрлаш қobiliятига эга эмас. Умуман олганда, мианинг қайсидир қисми шикастланиши ногиронликка сабаб бўлади.

Чет элда бизнинг муассасамизга ўхшаш жойларда ўзравонлик ҳолатлари кузатилади. Ўзбекистонда бу масалага жиддий эътибор қаратилади. Назорат кучайтирилган, ҳар бир хона, йўлак ва залларга кузатув камералари ўрнатилган. Беморларнинг тутқаноғи тутганда ёки бошқа бирор кўнгилсиз ҳолатларда оқсигилларимиз уларни бошқара олмай қолади. Муассасамизда каттароқ ёшдаги ўғил болаларга эркак тарбиячилар ажратилган.

— Ақли заифлигининг асосий сабаблари нимада?

— Яқинда Сурхондарёдан бир болани олиб келишди. Отаси руҳий касал экан. Ота-онасидан носоғлом фарзандини нега уйлантирганини сўрасак, уйланамади деб туриб олганини айтишди. Бир эмас, 3 нафар руҳий хаста бола дунёга келган. Уларнинг бири Сурхондарёда, иккинчиси Тошкентда ва яна бири бизнинг муассасада. Одамларда тиббий маданият яхши шаклланмаганидан кейин бу каби ҳолатлар давом этаверади, жамиятда беморлар қўлавереди.

Бу масала бундай жойларда кенг тушултириш ишларини олиб бориш керак. Баъзан отаси руҳий касал бўлса ҳам, соғлом бола туғилибди, дейишади. Касалликлар яширин ҳолатда инсон организмидан яшайди. Одамда гормонал ўзгаришлар вақти бўлади. Мисол учун, балоғат ёшида, оила қуришда, ҳомиладорликда ва туғилшдан кейин ҳоказо. Ана шундай ҳолатларда кўпроқ қизларда шизефрения каби касаллик юзага чиқади.



Айрим ирсий касалликлар бор, уларни аёл ўзида олиб юради. Масалан, гемофилия, деган қон касаллиги бор. Агар рецессив гени ўзида олиб юрган аёл ўзига ўхшаш эркакка турмушга чиқмаса, бу касаллик авлоддан-авлодга ўтиб юраверади. Касаллик ўзини ошқор қилмайди. Шунинг учун ҳам бу хатар қариндошлар ўртасида кўпроқ бўлади. Иккита қариндош оила қурдим, рецессив генлар қўшилиб, касалликини уйғотди. Одамларга тушултиришга ҳаракат қилаямиз. Қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш зарурлигини кўп таъкидлаймиз. Бироқ биласиз, чекка-чекка жойларда, айрим қишлоқ, маҳалла ва овулларда қариндошлар билан ёки бир уруғдаги одамлар билан оила қуриш одатга айланган. Натижада генлар алмашмайди. Ёки иккита ола синглининг боласи турмуш қуради. Эракнинг қони бошқа, деган сабаб кўрсатилади. Йўқ, бу хато тушунча.

Бола 50 фоиз отадан, 50 фоиз онадан қон олади. Агар она ўз қониде рецессив генини олиб юрса, табиий қилиб боласига беради. Қарабсизки, иккита бир хил ген учрашиши фарзандга салбий таъсир кўрсатади.

Инсон саломатлигини асраш учун тиббий билимга эга бўлиш талаб этилади. Айрим касалликлар ҳақида очик-ойдин гапириш менталитетимизга тўғри келмайди, дейдиганлар бор. — Бу нотўғри фикр. Одамларга тушултириш зарур. Ахир 17-18 ёшда мактабни тамомлаган фарзандларимиз ўқиш ёки иш, деб хорижга кетади. Ёлғиз қолган бола билганини қилади. У хавфсиз жинсий алоқа ҳақида тушунчага эга бўлмаса, юқумли, охири ўлим билан туғайдиган касалликлардан беҳабар бўлса, касалликини осонгина юқтириб олади. Ўзбекистонга қайтган, уйланади. Беғуноҳ ёшгина бир қизга уйланади. Натижада касалликлар кўпайиб бормоқда.

«Ўзстандарт» агентлиги ахборот берди

Эндилликда тадбиркорлар Ўзбекистонда ҳам «Ҳалол» сертификатини олиши мумкин

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистонда «Ҳалол» стандартларининг жорий қилиниши ҳамда уларни сертификатлаштирадиган янги идора ташкил этилгани ҳақида расмий маълумот берди. Унда «Ўзстандарт» агентлиги бош директори ўринбосари Жасур Шукуров, «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти директори Ғайратжон Ғозиев, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Исомиддин Аҳроров ва бошқа мутасаддилар иштирок этишди.

Тадбирда Президентимизнинг 2018 йил 12 декабрдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори икросини таъминлаш мақсадида, «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти негизда «Ҳалол» стандартлари талаблари асосида маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш маҳсули идораси ташкил этилгани таъкидланди.

— Янги ташкил этилган маҳсули идора дастлабки босқичда фақатгина экспортга чиқариладиган маҳсулотлар учун ҳамда зиёрат туризми (меҳмонхона ва иккидаги умумий овқатланиш маскани) доирасида фаолият юритади, — дейди «Ўзстандарт» агентлиги бош директори ўринбосари Жасур Шукуров. — Кейинчалик эса бу фаолият кўлами янада кенгайиб боради.

Қолаверса, агентлигимиз янги идора фаолиятини ривожлантириш мақсадида Малайзиянинг «Ҳалол» сертификатлаштириш ва акредитация масалаларида кўп йиллик тажрибага эга «Ислам тароқиёт департаменти» (JAKIM), Индонезиянинг Уламолик кенгаши (MUI), Туркиянинг «Турк стандартлари институти» (TSE), Таиланднинг Чулалонгкорн университети қушидаги «Ҳалол» илмий маркази»

каби халқаро даражада тан олинган ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

Бундан ташқари, маҳсулотлар таъминотини таъминлаш учун синон лабораторияларини ташкил этиш 2-3 миллион доллар маблағни талаб этади. Шу билан бирга, «Ҳалол» стандартлари талаблари асосида маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш аудитларида ҳар бир мамлакатнинг маҳаллий диний ташкилотлари вакиллари иштирок этиши мақсадга мувофиқ саналади. Шу босидан ҳам бугунги кунда Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон Муслимонлар идораси томонидан сертификатлаштириш ишларида жалб этиладиган диний хизматлар руҳияти шакллантирилди. Ислам мамлакатларининг стандартлари ва метрология институти (SMIC) стандартлари асосида «Ҳалол» талабларида мувофиқ озиқ-овқат, истеъмол маҳсулотлари, туризм хизматлари ва сертификатлаштириш идораси доираларида Диний қўмита ва тегишли вакиллик идоралари билан ҳамкорликда давлат стандартлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунё бўйлаб «Ҳалол» стандарти остидаги маҳсулотлар бозор ҳажми 6,4 триллион долларга етган ва бу кўрсаткич илдан-йилга ортиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам зиёрат туризми,

гастрономик туризм соҳалари кенгайиб бораётгани, маҳаллий аҳолининг аксарият қисмида «Ҳалол» стандарти остидаги маҳсулотларга эҳтиёж юқорилиги яхши маълум. Шу боис эндилликда Ўзбекистонда «Ҳалол» стандарти бўйича сертификатлар олиш унун ҳуқуқий асос яратилиб, барча механизмлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Ислам мамлакатларининг Стандартлар ва метрология институти (SMIC) аъзосига айланди. Эндилликда Ўзбекистонда олинган «Ҳалол» сертификати халқаро аҳамиятга эга бўлади.

— Янги сертификат «Ҳалол» стандартларига амал қилинадиган муслимон давлатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади, — дейди Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти бўлими бошлиғи Суннатилла Саидов. — Бундан ташқари, мазкур стандартларнинг жорий этиш Ўзбекистонга савбат қилаётган зиёратчиларга профессионал хизматлар кўрсатиш имконини беради. Яна шунинг маълум иқомоччи эдимки, бугундан бошлаб «Ўзстандарт» агентлиги «Ҳалол» сертификатини олиш учун аризаларни қабул қилишни бошлади. Ариза топшириш учун Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтига мурожаат қилиб, барча зарур ҳужжатларни тақдим этиш жоиз. Ушбу ҳужжатлар асосида сертификатлаш ҳақида қарор қабул қилинади. Кейинчалик қорхонага бир гуруҳ аудиторлар юборилди. Улар ишлаб чиқаришнинг стандарт талабларига мувофиқлиги бўйича текширув ўтказди. Аудиторлар ҳисоботи сертификат олинганда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ушбу сертификатни олиш истагидаги тадбиркорлар фақат ҳалол маҳсулот ишлаб чиқариши керак.

Шунингдек, «Ҳалол» стандарти талабига мос сертификат бир йил муддатга берилади ва бу вақт давомида қорхонада мунтазам равишда текширувлар амалга ошириб турилади.

Маълумот ўрнида яна шунинг айтиш мумкин, 2018 йилнинг ноябрь ойида «Ўзстандарт» агентлиги Ислам мам-

лакатлари стандартлари ва метрология институтига аъзо бўлган. Шу боис янги стандарт ушбу институтига аъзо бўлган 38 мамлакатнинг барчасида амал қилади.

Тадбирда журналистлар томонидан берилган, яъни бундан бунён ишлаб чиқариш бўйича фаолият бошловчи ташкилотларга ушбу стандартни мажбурий жорий қилиш мумкинлиги, деган саволга «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти директори Ғайратжон Ғозиев жавоб берди.

— Бир нарсани тўғри тушунишимиз лозим — «Ҳалол» стандарти бўйича сертификатлар олиш ихтиёрий. Тадбиркор, ишлаб чиқарувчининг ўзи шундай сертификатга эга бўлишни, шу мақом остида маҳсулот сотишни истасанига бизга мурожаат қилади ва биз бунини қўриб чиқамиз. Қўшимча талаб қилиш қўнунчилигимизга ҳам тўғри келмайди, тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлиб қолмайдиган йироқимиз.

— Шу пайтга қадар Ўзбекистонда «Ҳалол» сертификатини олиш имконияти йўқ эди. Эҳтиёжманд тадбиркорлар бу сертификатни хориждан олиб келишган. Хорижий сертификатлар бизда тан олинмади, энди уларнинг мақоми қандай бўлади?

Ушбу саволга Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти бўлими бошлиғи Суннатилла Саидов жавоб берди:

— Биз хориждан олинган айрим сертификатлар бўйича текшириш ўтказганимизда баъзи ишонсиз идоралар томонидан «Ҳалол» сертификатлари берилган ҳолатлар аниқланди, хатто берилган ташкилотнинг ўзи йўқ бўлиб қолган ҳолатлар ҳам бўлди. Демак, энди тадбиркорларимиз ўз қўнунчилигимизга, ўз талабларимизга, диний идорамиз назорати остида сертификат олишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ҲАШАР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

Энг улуг, энг азиз айём арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари халқимизнинг жипслиги, бирдамлиги, аҳиллигини яна бир қарра намойиш этди.

Умумхалқ хайрия ҳашари Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллик тўйига муносиват тайёргарлик қўриш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида халқимизнинг дахлдорлик ҳиссини янада кучайтириш, жамиятимизда ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, саховат, бегараз ёрдам, ўзгаларга хайрихоҳлик туйғуларини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Умумхалқ хайрия ҳашари ёшларни ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга ундагани, истиқлол берган неъматларни кўз қорачигидек асраб-авайлашга, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишга қорлагани билан ҳам муҳимдир.

Ҳамюртларимизнинг фидойилиги, эзгу интилиши самарасида умумхалқ хайрия ҳашари кўтаринки руҳда ўтказилди. Шу кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшаси янада чирой очган. Маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли турар жойлар, бинолар, таълим масканлари, ҳовлилар атрофи ободонлаштирилди. Кўча ва хиёбонлар, майдонлар ораста қурилишга келтирилди. Гузарлар, зиёратгоҳлар, ариқлар, йўлақлар, болалар майдончалари янада тартибли, озода қўрилиш касб этди. Дарахтлар оқланиб, уларга шакл берилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими Республика кенгаши ахборот хизмати маълумотларига қўра, икки кунлик умумхалқ хайрия ҳашари давомида 26 минг гектардан зиёд майдонлар ободонлаштирилди ва тозаланди. Эпик минг тоннадан ортиқ чиқиндилар чиқариб ташланди. 25 минг километр яқин узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. Қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилиб, тартибга келтирилди. 9 миллионга яқин дарахт оқланиб, уларга шакл берилди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 13 мингга яқин техника воситаси жалб этилди.

Шунингдек, ҳашар кўни аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беминнат муруват ёрдами кўрсатишга кўпроқ эътибор қаратилди. Хусусан, 13 мингга яқин кам таъминланган оиланинг 388 минг квадрат метрдан зиёд уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди. 13 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оила, шундан 5 мингдан зиёд ногирон ва ёлғиз қариянинг ҳолидан хабар олинди, уларга моддий кўмак кўрсатилди.

Мазкур хайрия тадбирлари орқали 4 миллиард сўмдан зиёд, шундан 140 миллион сўмга яқин маблағ «Маҳалла» фонди ҳисобидан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беминнат муруват ёрдамлари кўрсатишга сарфланди.

Шунингдек, ҳашар кўни маҳаллаларда 150 тага яқин савдо, маиший хизмат кўрсатиш, шунингдек, ижтимоий объектлар, яъни 126 та маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси — савдо дўкони, «Гўзаллик салони», сартарошхона, дорихона, тўйхона, тиббиёт маркази, «Баркамол авлод» маркази ва бошқалар, 6 та ишлаб чиқариш цехи, 14 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси, 4 та болалар спорт майдончаси фойдаланишга топширилди.

Умумхалқ хайрия ҳашарида 13 миллион 800 минг нафардан зиёд фуқаро, шундан 7 миллион 809 минг нафардан ортиқ ёш иштирок этди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида август ойи давомида ободонлаштириш ва тозалаш ишлари давом эттирилди.

Буларнинг барчаси жонажон Ўзбекистонимизни янада обод, файзли, қўркам этиши, хамюртларимиз ҳаёти фаровонлигини ошириш, истиқлол байрами-ни кўтаринки руҳда, байрамона кайфиятда кутиб олиш йўлидаги эзгу савий-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.



Абдумалик ХАЙДАРОВ, журналист.

Аслида айбдор ташкилот кредитларни қайтариш билан бирга фермерларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ҳам қоплаши керак эди.

Аччиқ қалампир ҳақида аччиқ ҳақиқат

Ёки кўриниб турган айбини тан олиш ўрнига тахририятга раддия жўнатган шоввозлар

МАЗЗУГА ҚАЙТИБ...

Газетамизнинг 2019 йил 26 февраль сониди қашқадарёлик фермерлардан келган шикоят асосида «Аччиқ қалампирнинг аччиқ ҳақиқатлари ёки алданиб қолган фермерларни ким ҳимоялайди?» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Биз айбдорлар хиёлат тортади, фермерлардан кечирим сўрайди, улар бўйнида осилиб қолган қарзларни тўлайди, деб ўйлагандик. Афсуски, ундай бўлмади.

Қайтара «Brand Investment Group Agro» МЧЖнинг юристи тахририятимизга раддия кўтариб келди. Унда қисқа муддатда раддияни эълон қилиш ва қорхонага ёзма жавоб бериш ҳам сўралган эди. Биз қорхона юристига кўнғироқ қилиб, «Мақоладаги масалалар исботи билан берилган-ку. Нимадан норозисиз?.. Биз фақат жамиятингиз томонидан алданиб қолган фермерларни ҳимоя қилдик», дедик. «Биз фермерлар билан гаплашдик. Улардан бири «мен муҳибига ундай демаганман, деб ёзиб берди», дея бизни айбламочки бўлибсиз. Лекин барча фермерларнинг айтган гаплари диктофонга ёзиб олинганини айтганимизда юрист «йўғ-э, ёзиб олганмисизлар?», дея ўйланиб қолди.

Шунингдек, тахририятга раддия жўнатишдан олдин мақола билан қўлиб чиқиш лозим эди. Чунки сиз жўнатган раддияда танқидий мақоланинг номи ҳам нотўғри ёзилган. «Аччиқ қалампирнинг аччиқ ҳақиқатлари... Ёки ўзи йўқ қалампирни бор аччиғи?...» деб янги сарлавҳа қўйб-сизлар.

Танқидий мақоладаги жумлаларга ўзингизча изоҳ бериб, ўзингизча оқлашга ҳаракат қилгансиз.

Эҳтимо, айрим жумлалар сизларча оғирроқ ботгандир. Эҳтимо, ҳеч ким бизнинг мушугимизни пишт, демайди, деган қайфиятда юрган бўлишингиз мумкин. Аммо сизларга ишониб, ўзига муаммо орттириб, ишдан қилиб, идорама-идора сарғайиб юрган фермернинг ахволини кўз олдингизга келтириб кўрмайсиз. Афсус. Ушбу мақолани ўқиган қанчалар газетачи бунақанги МЧЖларга раҳбарият томонидан қаттиқроқ жазо чорасини кўриш керак, деган мазмундаги кўнғироқларига жавоб бердик. Уялмасдан сиз ўзингизни оқлаш учун биринчи, иккинчи ва ҳокзо, деб жумлаларни рақамлаб чиқисиз. Биз ҳам сизнинг услубингизни қайтарган ҳолда биринчи, иккинчи ва учинчи жумлага жавоб қайтармоқдамиз.

Мақоладаги фикр: «Ўзини Умид деб таништирган йигит яқин орада кўчатни етказиб берамиз, деди. Баҳор ойи тугаб, яъни аччиқ қалампирни экиш вақти ўтиб борса ҳамки, қалампир кўчатларидан дарак бўлмади. Умид деган гоҳо телефонини ўчириб қўяди. Гоҳида умуман кўтар-



майти. Шу аҳволда аччиқ қалампир экиш вақти ўтиб кетди, МЧЖ ходимларидан дарак бўлмади...» шундай, деб ёзгансиз:

Раддияда бунинкор этишга уриниб қуйидаги эътирозни билдирибсиз: «Қалампир кўчатни тарқатиш мавсуми ҳам худди пахта чигити экиш мавсуми сингари Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва туман ҳокимлари томонидан тузилган қалампир штаби орқали амалга оширилган. Қорхона томонидан кўчатлар кунлик фермерларга етказиб бериш туман ҳокимлиги томонидан берилган буюртмаларга асосан амалга оширилган. Қорхона томонидан кўчатлар туманларга ўз вақтида етказилиб, ҳокимият томонидан фермерларга экиш учун тақсимланган...»

Бу гапларга аниқлик киритиш мақсадида биз ҳокимликка мурожаат қилдик. Касби туман ҳокимлигини қуйидагича жавоб келди: «... Туман ҳокимлигида қалампир штаби ташкил қилиниб, фермер хўжалиқларига қалампир кўчатларини ўз вақтида етказиб берилишини ва фермер хўжалиқларига экиш учун тақсимланганлигини умумий тартибда назоратга олган бўлса-да, «Brand Investment Group Agro» МЧЖ билан фермер хўжалиқлари ўртасида қалампир еттиштириб бериш бўйича (контракция) шартномалар тузилишига ва қалампир кўчатлари етказиб бериш бўйича Касби туман ҳокимлиги томонидан аралашувга йўл қўйилмаган...»

Туман ҳокими ўринбосари С.Муҳаммадиев. Мақола юзасидан иккинчи идаонгизни ўқиймиз:

Мақолада номлари келтирилган «Нарзуллаев Жалолиддин Элмурод ўғли», «Воҳа зарчашмаси» ҳамда «Шахриёр Эралихон Шавкатович» фермер хўжалиқлари томонидан қалампир кўчатини ўз вақтида олмаганлиги ёки олмасликлари ҳамда қалампир еттиштириш бўйича тузилган контрактация шартномаларини олдиндан бекор қилиш бўйича

ёзма мурожаатлар қилинмаган...

Раддиянингиздаги бу даъвода мантқ борми? Кўп эмас, озгина ўйлаб кўрган киши бундай дейишга уяларди. Улар кимга ва қаерга мурожаат қилиши керак эди? Биринчидан, кўчат олиб келишни ваъда қилиб, қорасини кўрсатмай кетган ходим билан улар бир неча бор телефонда гаплашмишган. Кўнинг, деган жавобни олишган. Кейинчалик кўнғироқларга жавоб бермай қўйган. Бунинг устига, фермер хўжалиқлари билан қилинган шартномада кўрсатилган манзинингиздан биз ҳам ташкилотингизни топа олмадик, фермерлар қандай қилиб топсин. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Тинчлик ҚФЙ, Йикота маҳалласида бунақа ташкилот йўқлигини айтишди. Агар манзинингиз ўзгарган бўлса, шартнома бланкисини янгиллаш керак эди. Қолаверса, Қашқадарёдан Тошкент вилоятига келиб-кейтиш осонми? Фермерларнинг ҳар бири банкдан 8 миллион 350 минг сўм 20 фоизлик устамаси билан кредит олиб, сизнинг ҳисоб рақамингизга кўчириб берса-да, сиз ваъда қилинган кўчатларни олиб келиб бермасангиз, улар яна харажат қилиб ортингиздан югуриб юриши керакми? Шарнома шартини бажара олмабсиз, нега ўзингиз кечирим сўраб, фермерлар олдига келмадингиз?

Мақолада фермерлардан бири айтган гаплардан мисол келтирамиз: «Агробанк» АТБ Касби филиалидан аччиқ қалампир уруғини ваъда қилган МЧЖнинг масъул ходими телефон рақамини олиб, унга кўнғироқ қилдим. Ўзини Умид деб таништирган йигит яқин орада кўчатни етказиб берамиз, деди. Баҳор ойи тугаб, яъни аччиқ қалампирни экиш вақти ўтиб борса ҳамки, қалампир кўчатларидан дарак бўлмади. Умид дегани гоҳо телефонини ўчириб қўяди. Гоҳида умуман кўтармайдди. Шу аҳволда аччиқ қалампир экиш вақти ўтиб кетди, МЧЖ ходимларидан дарак бўлмади...»

Фермерлар тахририятимизга ариза ёзишдан олдин туман, вилоят ҳокимликларига ва Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлини устидан назорат қилиш инспекцияси Касби туман бўлимига ёзма мурожаат қилишган. Шунча масъул ташкилотлардан биргина Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлини устидан назорат қилиш инспекцияси Касби туман бўлимидан жавоб хати келган. Унда ҳам судга мурожаат қилинг дейилган, холос. Сизнингча, яна қанча жойга мурожаат қилишлари лозим эди?

Мақолада шундай мулоҳаза бор: «Сардор деган бу «жано» нима учун тўрт кун учрашувни ваъда қилиб, сўнгра фикрдан қайтди? Бизнингча, у «Brand Investment Group Agro» МЧЖнинг раҳбарлари билан гаплашиб, сўнгра биз билан учраша олмаслигини айтганга ўхшайди. Агарда лозим топганида ўзининг бош офиси рақамини ҳамда раҳбарларнинг исм-фамилиясини айтиб, ўша одам билан учрашиб, гаплашиб олишимизни маслаҳат берган бўларди».

Бу фикрга ҳам эътироз билдира-сиз. Ўрни, Сардор мақоладаги ўзига тегишли гапларни инкор этди, деяп-сиз. Биз билан Қаршида учрашишни икки марта келишиб, сўзиде турмаган бу ходим айбини бўйнига олмага-нига ишонамиз. Агарда муҳбир МЧЖ ходими Сардор билан гаплашмаган бўлса, нега Қарши шаҳрига бориб, икки кун уни кутди? Қолаверса, бунини исботлаш қийин эмас.

Мақола эълон қилингандан сўнг биз воқеалар ривожини кутиб турдик. Қашқадарё вилояти прокуратурасидан жавоб келди. Унда шундай дейилган:

«Аччиқ қалампирнинг аччиқ ҳақиқатлари ёки алданиб қолган фермерларни ким ҳимоялайди?» сарлавҳали мақолада келтирилган ҳолат ўрганилди.

Аниқланишича, «Нарзуллаев Жалолиддин Элмурод ўғли» фермер хўжалиги билан «Brand

Investment Group Agro» МЧЖ ўртасида 04.05.2018 йилда 6-сонли шартнома тузилган.

Шартноманинг 2.12-бандига мувофиқ «Нарзуллаев Жалолиддин Элмурод ўғли» фермер хўжалиги томонидан етказиб берилиши лозим бўлган қалампир кўчатини олдиндан 100 фоиз (7 975 000 сўм) тўлов амалга оширилган.

Бироқ «Brand Investment Group Agro» МЧЖ томонидан шартноманинг 2.1.1-бандини бузган ҳолда қалампир кўчатини етказиб берилмаганлиги учун фермер хўжалиги томонидан маҳсулот топшириш имкони бўлмаган.

Шунга кўра, Касби тумани прокуратураси томонидан «Нарзуллаев Жалолиддин Элмурод ўғли» фермер хўжалиги фойдасига «Brand Investment Group Agro» МЧЖ ҳисобидан 7 975 000 сўм асосий қарз, 3 000 000 сўм пеня ва 16 218 сўм почта харажатини ундириш ҳақида Юқори Чирчиқ туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди.

Шунингдек, бу ҳақда фермер хўжалиги раҳбари С.Эшмадатовга ёзма маълум қилиниб, қўшимча ва эътирозлари бўлса, Юқори Чирчиқ туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиши ҳақида тушунириш берилди.

Вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси А.Э.Мирзаев.

Касби туман прокурори О.Э.Усанов даъвогар «Нарзуллаев Жалолиддин Элмурод ўғли» фермер хўжалигининг манфаатини кўзлаб, Юқори Чирчиқ туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритди.

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманлараро иқтисодий суди раиси Б.Кенжаев раислигида прокурор протести очик сайёр суд мажлисида, кўриб чиқилди. Қашқадарё вилояти, Касби туман прокуратурасининг даъвоси қаноатлантирилди. «Нарзуллаев Жалолиддин Элмурод ўғли» фермер хўжалиги манфаатига жавобгар «Brand Investment Group Agro» МЧЖ ҳисобидан 7 975 000 (етти миллион тўққиз юз етмиш беш минг) сўм миқдорда асосий қарздорлиқни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўрни, адолат қарор топди.

Энди ўйлаб кўрайлик, бу муаммо қаердан пайдо бўлди? Фикримизча, аччиқ қалампир экиб, еттиштириш ташаббуси ижроси талаб даражасида бўлмади, масъулиятсизлик қилинди, кўп хатоларга йўл қўйилди. Фақат Қашқадарёда эмас, балки бошқа вилоятларда ҳам тартибсизлиқлар бўлди. Аслида айбдор ташкилот кредитларни қайтариш билан бирга фермерларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ҳам қоплаши керак эди.

Келаси йил ҳам қаерлардадир аччиқ қалампир экиладиган бўлса, хатолардан тегишли хулосалар чиқариб олинмоғи керак, деб ўйлаймиз.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БИЛАСИЗМИ?

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА

қуйидаги тоифадаги шахсларга дастлабки синов муддати қўлланилмайди



- ҳомилдор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга;
- қорхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахсларга;
- ўрта махсус, касб-хўна таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юр்தларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга қираётган битиручиларга;
- ходим билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилган ҳолларда.

ТАЪЛИМ КРЕДИТИ

қай тартибда берилади?



Банклар томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун уларнинг ўзлари-га, ота-оналари ёки васийларига таълим кредитлари берилиши мумкин.

Таълим кредитлари талабалар учун бакалавриятга ўқишга қабул қилинганди 10 йилгача ва магистратурага ўқишга қабул қилинганди 5 йилгача бўлган муддатда берилади.

Банклар томонидан берилган таълим кредитлари бўйича:

- чин етимлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига – **ноль фоиз ставкаси** (фоизсиз кредит);
- талабаларнинг қолган тоифаларига – Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси-дан юқори бўлмаган фоиз ставкалари белгиланади.

Таълим кредити учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- а) ариза;
 - б) тўлов-контракт шартномаси (контракт);
 - г) кредитни қайтаришнинг таъминлини тўғрисида ҳужжат;
 - д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.
- Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан айти бир вақтда паспортини шахсан кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир.

АСАРЛАРДАН НУСХА ОЛИШ,

уларни тарқатиш мумкинми?



Қонунчиликка кўра, асарлардан ёки турдош ҳуқуқ объектлари (ижро, фонограмма, кўрсатув ва эшиттиришлар)дан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш, тақдирлаш, тарқатиш тақиқланади.

Бунинг учун айбдор ҳисобланган шахслар тегишли жавобгарликка тортилади.

МАКТАБЛАРДА

кимлар бепул дарсликлар таъминланади?



Биринчи синф, Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб, мактаб-интернатлари ва ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар ўқувчилари мактабнинг кутубхона жамғармаси томонидан дарсликлар тўплами билан бепул таъминланади.

Бунда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар ўқувчилари рўйхати 1 сентябргача фуқаролар йиғини илтимосномаси ва ота-оналар қўмитаси хулосаси асосида мактабнинг педагогик кенгаши томонидан тасдиқланади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy Axborot» канали.

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қашқадарё вилояти бўлими сарҳадий хизматчиси Муҳаммаднинг Маъмуров гоёси билан ташкил қилинган «Электрон кутубхона» тақдироти бўлиб ўтди.

Мазкур гоё ташаббускори, Миллий гвардия харбий хизматчиси, бўлима Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси Муҳаммаднинг Маъмуров бундан бир ой муқаддам «Энг илғор бошланғич ташкилот етакчиси» танловининг Республика босқинда ғолиблигини қўлга киритган эди.

Айнан шу гоё асосида Ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилоят кенгаши, Тошкент ахборот технологиялари университети Қашқадарё филиали билан ҳамкорликда харбий қисм яқинида инновацион электрон кутубхона ташкил этилди.

Инновацион ёндашув асосида ташкил этилган электрон кутубхонада мобил қўрилманинг сканер қилувчи иловасини китоб муқоваси тасвири остидаги ҚР-кодга йўналтирган ҳолда танланган китобни юклаб олиш мумкин. Бу электрон кутубхонадан вилоят ёшлари унумли фойдаланмоқда.

Нафосат ЗАФАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Матбуот хизмати етакчи мутахассиси.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» БОШ МУҲАРРИРИГА АРИЗА

«Ҳурматли Бош муҳаррир, яқинда Ўзбекистон телеканалининг маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган «Муносабат» кўрсатувини катта қизиқиш билан кузатдим.

Афсуски, унда маънавият ва маърифатнинг энг муҳим омилларидан бири матбуот муролааси ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтилмади. Газета ва журналларда маънавият, маърифат масалалари кейинги пайтда кўп ва хўп ёритилмоқда. Лекин матбуот тарқатишга эътибор су-сайиб кетаётганга ўхшайди.

Масалан, мен ўзим Бухоро вилояти ҳо-кимии Олот туманида ўтказган сайёр қабулда матбуот дўконлари масаласини ҳам кўтарган эдим. Хусусан, матбуот дўконларига республика миқёсидаги газета-журналлар келмаётганини айтгандим. Ушанда тегишли мутасаддиларга бу муаммоларни ҳал қилишга топшириқлар берилган эди. Бироқ ахвол ҳанузгача ўзгармади. Ҳамманинг ҳам ойлик маоши обуна бўлишга имкон бермаслиги мумкин.

Баъзида янгиликларни интернетдан ўқиса ҳам бўлади, деб газета-журналларга эътибор-сиз қараб айтилаётган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Интернет ҳар қанча ривожланмасин, матбуот бу — тарбия, маънавият, мафкура-ку. Матбуотнинг ўрни бўлакча.

Бир пайтлар ҳатто Москвада қол этилади-ган газеталар ҳам ўша куннинг ўзиде матбуот дўконларига етиб келарди. Бугун почта ёки матбуот тарқатувчи ташкилотлар нега су-ст ишлаяпти?

Менимча, Ўзбекистон журналистлари иж-одий уюшмаси ва бошқа масъул ташкилотлар



ҳукумат олдига матбуот тарқатиш тизимини қайта қўриб чиқиш масаласини қатъий қилиб қўйиши керак.

Сизга самимий ҳурмат билан Бешимов Лазиз. Бухоро вилояти, Олот тумани, Эски бозор кўчаси, 19-уй.

Бухоро вилоят насос станциялари энергетика бошқармаси Олот участкаси электротехника лабораторияси чилангари.

Тахририятдан: Тўғриси, вилоятлар мар-казларидан узокроқдаги туманлардаги матбуот дўконлари камлиги ёки борлари ҳам доим ишламаслиги, уларнинг аксариятида иж-тимоий-сиёсий газеталар йўқлиги тўғрисида эътирозларни биринчи марта эшитаётганимиз йўқ. Бу масала ҳақида Республика матбуот тарқатувчи идораси раҳбарлари билан кўп фикрлашгандим. Аммо бу тизим такомилла-шиши ўрнига ҳолдан тойиб бўлди. Кейинги тўрт-беш йилда бу идора раҳбари бир неча бор алмаштирилди. Кўпчилик ҳамкасблар яхши билади. Бу идорани узок йил бошқарган, катта тажрибага эга Рустам Қосимов деган

Самарқанд туманига қарашли бўлган 50 гектарлик ҳудудда янги Қорасув массиви қад ростлади.

ҚОРАСУВ – КЎҲНА САМАРҚАНДНИНГ ЯНГИ МАВЗЕСИ

Ўзининг бой тарихий ва маданий меросига эга бўлган кўҳна Самарқанд бугун ҳар жиҳатдан обод ва кўркем масканга айланди. Истиқлол туфайли қадимий осори-атиқаларининг ўз ҳолига қайтарилиши, янги-янги замонавий иншоотларнинг барпо этилиши, кўчаларнинг кенгайтирилиши, сўлим боғ-роғларнинг барпо этилиши шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.


Бугун эса қадимий шаҳарнинг ёнгинида, Самарқанд туманига қарашли бўлган 50 гектарлик ҳудудда янги Қорасув массиви қад ростлади. Қисқа муддатларда кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Энди янги массивда бажарилган бунёдкорлик ишлари ҳақида батафсилроқ тўхталайлик:

2018 йил дастури бўйича аҳоли учун «Ўзшаҳарқурилиш» инжиниринг компанияси томонидан жами 32 та 7 қаватли уй-жой қурилди. Ҳарбий хизматчилар учун «Қишлоққурилиш» инжиниринг компанияси томонидан жами 12 та 5 қаватли 3 хонали уй, 1 та 235 ўринли мактабгача таълим муассасаси ва 1 та янги мактаб биноси барпо этилди.

Айни пайтда ушбу масканда 2019 йил дастури бўйича аҳоли учун «Ўзшаҳарқурилиш» инжиниринг компанияси томонидан жами 13 та 7 қаватли уй-жой қурилмоқда. Шунингдек, 2019-2021 йиллар давомида «Агромир Билдинг» масъуляти чекланган жамияти томонидан

МУСТАҚИЛЛИК ИНШОТЛАРИ



Туркиянинг замонавий технологияси асосида монолит усулида жами 72 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозир 30 та уй-жой қурилиши олиб борилаётган.

2019 йилнинг охирига қадар қуриб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган 18 та турар жой биносида қурувчилар қисқа фурсат ичида кенг кўламли ишларни амалга оширди. Замон талаблари ҳамоҳанг барпо этилаётган ушбу турар жой бинолари 12-16 қаватдан иборат бўлади. Қурилишда 1 минг 500 дан зиёд ишчи ва мутахассис

меҳнат қилмоқда. Маълумки, туркиялик қурув-

чилар жаҳон қурилиш бозорига ўзига хос нуфузга эга. «Агромир Билдинг» масъуляти чекланган жамиятининг ушбу мамлакат қурувчилари билан ўзаро ҳамкорлиги Қорасув массивида олиб борилаётган бунёдкорлик жараёнида ўз самарасини бермоқда. Ҳозир 150 нафардан ортиқ туркиялик қурувчи-муҳандис кўп қаватли турар жойларни барпо этишда иштирок этаётди.

— Бу массивда қурилиш режалаштирилган уйлар тез ва сифатли барпо этилади. Масалан, 16 қаватли уйни бир ойда қуриб битириш мумкин. Бу биноларнинг зилзилага бардошлилиги ҳам юқори, — дейди лойиҳа координатори туркиялик мутахассис Жейхун Хукутепа. — Давр ўзгарди, замонавий меъморчилик, урбанизация, деган атамалар пайдо бўлди. Қорасув массивида амалга оширилаётган қурилиш жараёнида ҳам ана шу жиҳатларни кўриш мумкин. Яъни, ҳар бир бино қурилишда ҳудуднинг кескин континентал иқлими, бино хоналарида тоза ва мўътадил ҳавони таъминлаш ҳисобга олинмоқда. Биноларнинг ичи табиат фаслларига монанд қишда иссиқ, ёзда салқин бўлиши таъминланади.

Янги маскандаги ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги ўзгаришлар, одамлар турмуш шароити вилоят ҳокимлигининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Буни яқинда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг ушбу маскандаги янги қурилган кўп қаватли уйларда яшаётган аҳоли билан мулоқот ўтказганлигидан ҳам аниқлаш мумкин.

Даставвал, вилоят ҳокими янги уй-жойларда яшаётган аҳолининг муаммоларини эшитди. Кимдир

янги қурилган арзон уй-жойлар нархининг асосиз кўтарилиб кетганини айтса, яна кимдир уйнинг сифати ҳақида гапирди. Яна бошқа киши маҳалладаги боғчанинг ойлик бадали жуда қимматлигидан шикоят қилди.

— Қурувчилар уйимизни тўлиқ ва сифатли қилиб битирмасдан кетди, — дейди 21-уйнинг 35-хонадонида яшовчи Сайёра Маҳмадиева. — Бу ҳам етмагандай, уй олишда шартнома қилаётганимизда унинг бир квадрат метр нархи 2 миллион 800 минг сўм, деб айтилган эди. Аммо бугун банк бизга ҳар бир квадрат метр учун 3 миллион 400 минг сўмдан тўлашимизни айтаяпти. Турмуш ўртоғим ўқитувчи бўлиб ишлайди. Ўзим ишсизман, икки нафар фарзандимиз бор, бунча пулни тўлашга имкониятимиз йўқ.

— Кимнинг уйи сифатсиз, чала қурилган бўлса, тегишли ташкилотлар томонидан унинг ҳолати ўрганиб чиқилади ва кетадиган харажат уй эгасига албатта ундириб берилади, — деди вилоят ҳокими. — Ундирилган маблағ эвазига ҳар ким ўз уйини таъмирлайди. Негакки, бу иш ана қурувчига юклатиладиган бўлса, муаммо кўпаяверади. Шунингдек, шу бугунқоқ яшаётган уйларингизни квадрат метрини аниқлаштириб берамиз ва белгиланганидан кам чиқадиган бўлса, умумий тўловдан сизнинг фойдангизга олиб қолинади.

Шундан сўнг вилоят ҳокими фуқаролар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтарди ва Қорасув массивида амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Мазкур массивда айни пайтда 16 қаватли замонавий уйлар қурилаётган бўлса, келаси йилдан бошлаб 30 қаватли бинолар қад ростлай бошлайди. Шунингдек, маҳаллада замон талаблари даражасидаги 1500 ўринли мактаб ва давлат-хусусий шерикчилик асосидаги боғчалар қурилади. Яқин йилларда бу ҳудуд юз минг нафар аҳоли, келажикда эса 1 миллион киши яшайдиган шаҳарчага айланади.

Абдурасул САТТОРОВ, журналист.

ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛДИ...

БОЛАЛАР АРАВАЧАСИНИ ЎГИРЛАГАНДИ...



Шу йилнинг 9 август кuni Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида яшовчи 27 ёшли Ф.И. исмли аёл ИИБга мурожаат қилиб, номаълум шахс унинг уйи эшиги олдида чўнтагида 1 200 000 сўм пули бўлган болалар аравачасини ўғирлаб кетганлигини маълум қилган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган эди.

Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Бирлик маҳалласида яшовчи 24 ёшли Ш.А. содир этганлиги аниқланиб, ушланган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

АВТОМАШИНА ОЛИБ ҚОЧИЛГАН




12 август кuni номаълум шахс Жиззах шаҳри Халқобод маҳалласи ҳудудида эшиклари очик ҳолда қаровсиз қолдирилган 32 ёшли Ж.Ю.га тегишли «Ласетти» русумли автомашинани ҳайдаб қочган.

Олиб боришга қидирув ишлари натижасида автомашина Форш тумани «Эгизбулоқ» МФЙ ҳудудидан техник саз ҳолда топишган.

Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Форш тумани «Богдон» МФЙ Богдон маҳалласида яшовчи 25 ёшли В.Қ. содир этганлиги аниқланиб, ушланган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

ТУРМУШ ЎРТОҒИНИ ЖАРОҲАТЛАДИ



13 август кuni Тошкент тумани Келес шаҳри «Оқибат» маҳалласида яшовчи 34 ёшли У.Ю. ИИБга ариза билан мурожаат қилган. Унда шу йил 12 август соат 01.00ларда собиқ поччаси, 36 ёшли Ш.П. уйда ўзаро жанжал оқибатида бира яшовчи собиқ турмуш ўртоғи, 36 ёшли Н.Ю. исмли аёлнинг турли жойларига пичоқ билан уриб жароҳат етказганлигини маълум қилган. Натижада Н.Ю. касалхонага ётқизилган. Ш.П. ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётган.

ЎЗАРО ЖАНЖАЛ ОҚИБАТИДА...



14 август кuni соат 21:00ларда Қашқадарё вилоятининг Қамаш тумани «Бобур-тепа» МФЙда яшовчи 29 ёшли Б.Ч. уйда ўзаро жанжал оқибатида «Пастол» қишлоғида яшовчи поччаси 38 ёшли Э.Р.нинг бошига ўроқ билан уриб, жароҳат етказган. Натижада Э.Р. касалхонага ётқизилган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, Б.Ч. ушланган. Тергов ҳаракатлари олиб борилаётган.

68 000 АҚШ ДОЛЛАРИНИ ОЛИБ...



2018 йил сентябрь ойида Катта Чилонзор 5-тор кўчасида яшовчи 25 ёшли А.В. 42 ёшли О.Ж.га Хитой Халқ Республикасидаги ишчи ва ишчи маҳсулотларини олиб келиб беришни ваъда қилиб, ундан 68 000 АҚШ долларини олган. Бироқ шу кунга қадар берган ваъдасини бажармай, пуллари ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётган.

Нилуфар ТЎРАХОНОВА, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси катта инспектори, лейтенант.

ЭЪЛОН

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

босқичма-босқич ошиб бориш шаклидаги очик аукцион савдоларига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси «Асака» акционерлик тижорат банкининг 16.08.2019 йилдаги 19-23/5364-сонли буюртномасига асосан қуйидаги кўчмас мулк мажмуаси очик аукцион савдосига қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй манзилида жойлашган «Асака» банкга тегишли «Асака ўқув комплекси бино ва иншоотлари» мулккий мажмуаси, бошланғич баҳоси – 6 524 579 000 сўм.

Аукцион солиби (харидор) олди-сотида шартномаси умумий қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни, шартнома имзоланган санадан бошлаб 20 календарь кун ичида (закалат тўловини ҳисобга олган ҳолда) тўлаши лозим. Олди-сотида шартномаси қийматидан 85 фоиз миқдордаги қарзининг қолган қисmini тўлаш олди-сотида шартномасига илова қилинган жадвалга мувофиқ амалга оширилади. Кўчмас мулкнинг тўлиқ тўлов муддати 7 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда. Савдога қўйиш бошланғич қиймати ва аукцион савдоси натижасидаги сотув нархи ўртасидаги фарқи закалат тўловига қўшимча равишда тўлаш мажбуриятини харидор ўз зиммасига олади. Олди-сотида шартномасида белгиланган сумманинг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда тўлов амалга оширилгандан кейин 30 кун муддат ичида мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи берилади. Харидор мулкни олди-сотида шартномаси тузилгандан кейин 15 календарь кун ичида, банкни фойда олувчи сифатида кўрсатган ҳолда суғурталаш вазифасини ўз зиммасига олади.

Аукцион савдоси 2019 йил 19 сентябрь кuni соат 11:00да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда бўлиб ўтади. Талабдорлардан буюртномалар қабул қилиш эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй манзилида қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Мазкур объект аукцион савдоси белгиланган кунда сотилмай қолган тақдирда тақрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 4-18-октябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади ва тақрорий савдолар учун буюртномалар қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги қелишуви» ни имзолагандан сўнг объект

бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг «Ипак йўли» АМТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Хужжатларни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказишда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ барча хужжатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар) аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, Риелторлик жамиятининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабдорларга кўчмас мулк бозорига ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги хужжатларни топшириши керак: - юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган хужжат нусхаси.

- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган хужжат нусхаси.

- закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган хужжат нусхаси.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 95-170-78-13 телефон рақами орқали олиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR – №0008.

Кимнинг уйи сифатсиз, чала қурилган бўлса, тегишли ташкилотлар томонидан унинг ҳолати ўрганиб чиқилади ва кетадиган харажат уй эгасига албатта ундириб берилади.

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИГА ДОИР 5 МУҲИМ МАСАЛА

ҚОНУН 2020 ЙИЛ 1 МАРТДАН КУЧГА КИРАДИ, 2020 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛГА ҚАДАР СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТ ЎТҚАЗИЛАДИ.

1. ЭНДИ ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МАЖБУРИЙМИ?

Мажбурий эмас. Жисмоний ва юридик шахслар ер участкаларини фақат ўз хоҳишларига кўра хусусийлаштиради

2. ЕРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ УЧУН КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали туман ҳокимига ариза берилади.

3. ЕРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ УЧУН ҚАНЧА ВАҚТ КЕТАДИ?

Ариза 10 иш кунинда қўриб чиқилади. Бунда, хусусийлаштириш бўйича ижобий ҳулоса чиқарилгандан кейин 10 кунда тегишли тўлов амалга оширилиши лозим. Тўлов амалга оширилганидан сўнг 3 иш кунинда ерни хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади

4. ЎЗИГА ТЕГИШЛИ БЎЛМАГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МУМКИНМИ?

Жисмоний ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлмаган бўш турган ер участкаларини аукцион орқали хусусий мулк сифатида сотиб олиши мумкин.

5. ХУСУСИЙ ЕРЛАРНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ МУМКИНМИ?

Хусусий ер национализация (фақат мулкдорнинг розилигига асосан) ёки реквизиция (фалокатлар, эпидемиялар ва ҳ.к пайтида) қилиниши ёхуд жиноят-процессуал ҳонунчилигида белгиланган тартибда суд қарори билан мулкдордан мусодара қилиниши мумкин.

advice.uz

@huquqiyaxborot

Реклама ва қутловлар




14-SON RELS PAYVANDLASH POEZDI UNITAR KORXONASI ЖАМОАСИ

Сиз, азиз
юртдошларимизни,
соҳа ходимларини
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
28 йиллиги

билан қутлайди!

Ушбу байрам кунларида
барчангизга бахт ва
омад, хонадонингизга
осойишталик, файзу
барака тилайди.



«ORZU OSH TUZI»

масъулияти чекланган
жамияти жамоаси

Серқуёш диёримиз аҳлини энг
улуг, энг азиз байрам билан
қутлайди.

Юртимиз ҳамиша тинч бўлсин.
Халқимиз омон бўлсин!

Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар барча
хонадонларга кириб боришига тилакдошимиз.

Маҳсулотлар сертификатланган.



«ФАЛЛА-АЛТЕГ»

акциядорлик жамияти жамоаси



юртдошларимизни,
соҳа ходимларини
МУСТАҚИЛЛИК
БАЙРАМИ
билан табриклайди!



Она Ватанимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги
йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизда
омадлар тилайди.

**ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ ҲАМИША
МУСАФФО БЎЛСИН!**

Маҳсулотлар сертификатланган.

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Бosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАХРИР ҲАЙ'АТИ:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Shuhrat JALILOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

To'lg'in TO'RXONOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni
chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 851. 3522 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:50.

Topshirilgan vaqti — 01:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон сарифасига ўтиш учун
QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6